Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minl...

2. O`zbekiston milliy ensiklopediyasi 2010
3. Muhammadsodiq Muhammadyusuf “Islom tarixi”
4. Suyarov Zokirjon, Muhammadaliyev Xusniddin. Islom moliyasi va bank tizimi. Образование наука и инновационные идеи в мире Выпуск журнала №-59 Часть–8_Декабрь–2024.https://scientific-jl.org/obr
5. Ergashevich Zokirjon Suyarov, Alibek Husanov. Ijtimoiy himoya tizimining raqamlashtirish muammosi. Ilm-fan va ta'lim. Том 1. Номер 3.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Набиев Маҳмуджон Маннобович
катта ўқитувчи
Қўқон Университети Андижон филиали
“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси.
Nabiyev@1976mail.ru

Инсоният тамаддуни ва жамият тараққиётида маънавият ҳамда иқтисодиётнинг ўрни беқиёс. Давлат ва жамиятни барқарор бошқаришда уларнинг ўзаро уйғунлиги муҳим ўрин тутади. Маънавият юксалган мамлакатда иқтисодиёт ҳам ривож топади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз”.[1] Биринчиси, асарида таъкидлаганидек, моддият ва маънавият қушнинг икки қанотига қиёсланади. Шу маънода тарихга назар ташласак, қадимги Юнонистон ва Римда маънавият юксак чўққиларга кўтарилгани ҳаммага яхши маълум. Лекин, айнан шу даврда ушбу мамлакатлар иқтисоди ўша давр жаҳон иқтисоди тараққиётининг энг юксак чўқиллари бўлганини ҳамма ҳам билавермайди. Мамлакатимиз ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Чунончи, IX – XV асрларда минтақамизда кескин маънавий юксалиш билан биргаликда иқтисодиёт соҳасида ҳам жонланиш рўй берди: фан ва маданият, дунёвий ва диний илмлар, адабиёт ва санъат ривож топди. Асрлар оша ўз кўрки ва тароватини сақлаб келаётган тарихий обидаларимиз ҳам ўша даврларда барпо этилган. Демак, тарихимиз гувоҳлик бераётганидек, жамият тараққиёти учун иқтисод ва маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш лозим.

Published: 24.05.2025
Cite this article: Набиев Маҳмуджон Маннобович (2025). Янги Ўзбекистон шароитида иқтисодиёт ва маънавият уйғунлиги. Emro Science and Education, 2(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/364
© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, жамиятни ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланиб, айни пайтда, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин. Иқтисодий тушкунлик даврида маънавият ривожланса-да, унинг ҳақиқий тараққиёти иқтисодий ўсиши даврида юз беради. Иқтисодий ўсишнинг бир кўриниши мамлакатда савдонинг, хусусан, ички ва ташқи савдонинг қай даражада ривожланганида ўз аксини топади.

Херман Вамбери “Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи” номли китобида Амир Темур ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр саноатнинг ривожланиши ва унинг халқаро савдо – иқтисодий алоқалардаги иштироки ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Халабнинг машҳур паҳта йиғувчи корхоналари, Туркиянинг ҳамда Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча ишлар, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий қилиб, ўша даврда юксак натижаларга эришди”.[2]

Беруний оғир меҳнат билан шуғулланувчилар мамлакат бошқарувчилари томонидан рағбатлантирилиб туришлари лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Аслини олганда, бу манфаатдорлик тамойилининг худди ўзидир. Айниқса, ерга ишлов бериб, ризқ – рўз яратувчиларга кўрсатилган ғамхўрлик натижасида ҳосилдорлик ортади, меҳнаткаш ва жамият манфаатлари баробар ҳимоя қилинади. Зеро, моддий ноз – неъматлар инсон ва жамият учун ўта зарур иқтисодий эҳтиёждир.

Давлатнинг иқтисодиёт билан шуғулланиши натижасида фуқаролар тўқ ва ҳокимият кучли бўлади. Ҳукмдорларнинг вазифаси эса, юқори табақалар билан қуйи табақалар ўртасида адолатли, кучлилар билан заифлар ўртасида ижтимоий – иқтисодий тенглик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган қонунларни ўрнатишдан иборатдир, деб уқтиради олим. Берунийнинг жамият шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутган иқтисодий омиллар – моддий неъматлар ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти ва мол айирбошлаш ҳақида иқтисодий қарашлар мужассам фикрлари ҳам қимматлидир. Олим таъкидлашича, савдода пул олтин ва кумуш сингари муомалада бўлиши инсоннинг барча эҳтиёжини қондира олмаганидек, улар алоҳида ҳолда ҳам маълум бир қийматга эга бўлмайди. Бундай ҳолат маълум бир табиий қонунлар асосида эмас, балки жамиятдаги шартли келишувлар туфайли содир бўлгандир. Чунки, олтин ва кумуш ҳам дастлабки мазмун-моҳиятига кўра, инсонни на тўйдиради, на чанқоғини қондиради, на зулм ёки зўрлик хавфидан қутқаради.

Берунийнинг фикрича, пул туфайли фақат товарлар айирбошлаш қилинмайди, ишчи кучи ҳам ёлланади.: “Бири иккинчисини ёллайди, яъни бир киши иккинчисига адолатли шартнома туфайли доимо ишлаши керак, бунинг эвазига у мукофатланади”. Ёлланма меҳнатда Беруний фақат одил меҳнат шартномасини кўрибгина қолмай, шу билан бирга ҳар қандай мажбурий меҳнатга қарши чиқади”. “Зўрлик ва ёллаш орқали амалга ошириладиган мажбкрий меҳнат доимий ва тўғри эмас”, [3] деб ёзади у.

Ўрта Осиёда уйғониш даврида,хусусан, мовароуннаҳрлик савдогарлар дунёнинг узоқ мамлакатларида ҳам фаол савдо – сотиқ ишларини олиб борганлар. 1150 йилда Венгрияга борган араб сайёҳи Абу Ҳамид ал – Гарнатий у ердаги бозорлар ва савдогарлар тўғрисида шундай ёзган эди: “Ункурия деб аталувчи бу мамлакат 78 шаҳардан иборат Б шаҳарлардан ҳар бири кўплаб қалъа, қишлоқ, тоғ, ўрмон ва боғларга эга. Уларда минглаб хоразмликлар ҳам яшайдилар. Хоразмликлар савдо билан шуғулланадилар”. [4] ХИИ аср бошларидаёқ, Ункурияда минглаб хоразмлик савдогарларнинг қизғин фаолият олиб борганликлари европада савдо ишлари, Хоразмда эса, ўз ўрнида, иқтисодиёт ривожланганидан далолатдир. Чунки, ўрта асрларда хунармандчилик, умуман иқтисоди ривожланган ўлкалар савдогарларини бошқа минтақаларга маҳсулот олиб бориб, савдо қилишлари мумкин бўлган.

Фикримизча, Давлат ва жамият бошқарувида иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлигини фақат соҳа мутахассислари эмас, шунингдек, аксарият иқтисодчи олимлар ҳам англаб етганлар. XX асрнинг кўзга кўринган иқтисодчиларидан бири Жон Мейнард Кейнс бу алоқадорликни англабгина қолмай, фандаги ўз хизматини руҳият қонуни билан боғлаган.

Кейнснинг асосий қоидаларидан бири иқтисоднинг давлат томонидан бошқарилиши зарурлиги тўғрисидаги хулосасидир. Кўплаб иқтисодчилар Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида Кейнс модели қўлланиляпти, деган фикрни билдирганлар. Холбуки, иқтисодни бошқаришга давлат аралашуви Кейнсдан анча илгари ҳам талқин қилинганди. Ўзбекистонда Кейнс таълимотидан ўзига хос фарқ қилувчи модел қўланилмоқда. Бу модел маҳаллий шарт – шароитлар, аҳоли анъаналари, хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ва ҳаётган татбиқ қилиб келинмоқда. Кейнс таълимотида иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг ҳуқуқий мурувватларидан фойдаланиши ҳақидаги фикрлар баён қилинган, лекин иқтисодиётнинг маъавият билан алоқадорлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Маънавият иқтисодиётдан узоқлашар ёки унутилар экан, мамлакат аста – секин инқирозга юз тутади. Бунинг сабаби шундаки, жамият ҳаёти бир – бири билан чамбарчас боқлиқ икки қисмга: иқтисодий ва маънавий ҳаётга бўлинади. Уларнинг бир – бирига қарши қўйилиши, бир – биридан ажратилиши воқеликка зид бўлиб, муваффақияцизликка олиб келиши шубҳасиздир. Шу туфайли ҳар қандай давлат ва жамият ривожланиши учун, энг аввало, иқтисодиёт ва маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш лозим. Чунки, фақат шу йўл юксак суръатлар билан тараққиётни таъминлайди, шу туфайли Ўзбекистонда маънавиятнинг юксалиши давлатимизнинг ўсиш давридаги вазифалардан бирига айланган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишга маънавий юксалишга нисбатан осонроқ эришиш мумкин. Негаки, иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни ҳамма мамлакатларда бир хил илғор технологияларни жорий қилиш имконини туғдиради. Бироқ, маънавият соҳасида ҳар бир миллат, мамлакат ва давлатнинг ўзига хом жиҳатлари мавжуд. Шуни унутмаслик керакки, иқтисодиёт маънавият билан шу қадар боғлиқки, иқтисодий ўсиш маънавий юксалиш эвазига таъминланса, маънавий юксалишнинг ҳам омилҳам иқтисодий ўсишдан иборат бўлади. Аммо маънавиятнинг юксалиши иқтисодиётнинг ўсишига нисбатан ўта қийин, мураккаб ва машаққатли жараёндир. Бунинг туб сабаблари, фикримизча қуйидагилардан иборат.

- иқтисодиётни ривожлантириш учун унга хорижий технологиясини киритиш мумкин, миллий маънавиятимизга чет эл маънавиятини киритиб бўлмайди;
- иқтисодиёт ўнгланиб бозоримиз маҳсулотларга тўйингунча уни хориждан импорт қилишимиз мумкин, аммо миллий маънавиятни четдан импорт қилиб бўлмайди. У фақат шу ернинг ўзида, шу ерлик одамлар руҳиятида шаклланади ва ривожланади;
- жамиятда иқтисодий бўшлиқ пайдо бўлса, бировларнинг маҳслуоти ва маблағи билан тўлдириш мумкин. Унинг ўлчови бор. Аммо, маънавий бўшлиқни тезликда бировнинг “маҳсулоти” билан тўлдириб бўлмайди. Ҳамма ўз маънавиятини ўзи тўлдириши, у фақат шу жамият, шу халқнинг ўзида шаклланиши лозим;
- иқтисодий неъматларни қарзга бериш ва олиш мумкин. Маънавий неъматни қарзга бериб ҳам, олиб ҳам бўлмайди;
- иқтисодий бойлик қийматга эга, маънавий бойликнинг қиймати, ўлчови йўқ. Шу туфайли иқтисодий бойлик давлатлар ўртасида айирбошланади, маънавий бойлик эса, айниқса миллий маънавиятни айирбошлаб бўлмайди;

- иқтисодиёт тан озиғи, маънавият эса жон, руҳият озиғидир. Иқтисодиётда мулкдорлик, эгаллик ҳисси бор. Маънавиятни тақсимлаб, одамларнинг маънавий бойлигини ўлчаб бўлмайди;
- иқтисодиётда инқироз бўлиши мумкин, маънавий инқироза йўл қўйиб бўлмайди. Иқтисодий инқирозни турли йўллар билан ўнглаш мумкин. Аммо, маънавий инқирозни иқтисодий инқироз сингари тезда ўнглаб бўлмайди. Маънавий инқироз юзага келган жамият, давлат таназзулга учраши тайин;
- иқтисодиётдаги мулкдан фарқли ўлароқ, маънавият хусусийлаштирилмайди. Ҳар кимнинг маънавий бойлиги ўзиники. Уни тортиб олиш ҳам, қўшиб бериш ҳам мумкин эмас. Одамларнинг маънавий бойлиги уларнинг маънавий савиясида намоён бўлади ҳамда улар миллат ва жамиятнинг маънавий бойлигини ташкил қилади;
- моддий жиҳатдан қашшоқ одамни унга катта мулк бериб, тезда бой қилиш мумкин. Маънавий қашшоқ одамни маънавий жиҳатдан тезда бой қилиб бўлмайди, чунки бировнинг маънавий бойлигни унга олиб бериб ёки сотиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз маънавиятининг эгаси, унинг юксалиши учун ўзи курашиши керак;
- моддий бойлик эҳсон ёки садақа қилинади, маънавий бойликни садақа қилиб ҳайрияга бериб ҳам бўлмайди. Фақат тарбия, ўқиш ва ўқитиш йўли билан биридан иккинчисига ўтилади;
- моддий эҳтиёжни қондириш мумкин, лекин маънавий эҳтиёжнинг чегараси йўқ. Иқтисодий бойлик моддий бўлиб, у ўзлаштирилиши, ўғирланиши мумкин. Маънавий бойлик номоддийдир. Уни ўғирлаб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий бойлик – хориждан импорт қилинмайдиган миллий аҳамиятга эга бўлган, ҳар бир миллатнинг ўзига хос ҳолда юксаладиган, ўлчови йўқ, қимматга эга бўлмаган, лекин ўта бебаҳо бойликдир. Шу боис давлат ва жамият бошқарувида иқтисодиёт ва маънавиятнинг чамбарчас уйғунлигини юқорида эътироф этганимиз ҳолда маънавий юксалишга усутувор эътибор қаратилган тақдирдагина иқтисодиётнинг гуркираб ривожланиши таъминланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз Тошкент – “Ўзбекистон” – 2017
2. *Герман Вамбери*. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. «Шарқ. Юлдузи» журнали “*Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи”*. Шарқ юлдузи, 1990, 5- сон.